

Сукут сақлашнинг турлари



11:00 / 02.09.2022 5753

Эҳтиром юзасидан сукут бўлади. Унда хоссатан, сўзи ишонтира олмайдиган, фикрни ўзгартирмайдиган ёши катта бўлган шахснинг сўзига нисбатан жим турилади.

Алам, оғриқ сукути бўлади. Бу қачонки сенга азиз бўлган инсон томонидан сенга нисбатан жоҳиллик, беписандлик қилинганда бўлади.

Ўзини мажбурлаш сукут сақлаш бўлади. Унда бир киши сенга жароҳат етказди-да, сен бўлсанг кетасан вақ ёлғиз қолиб йиғлаб оласан.

Бўғилиш сукути ҳам бўлади. У қачонки қалбинг заиф бўлиб, етган аламни кўтара олмай қолганингда бўлади.

Баъзан сукут қувват бўлади. У бирон шахс жароҳат етказадиган оғир сўзлар айтганда, чидаш, жим тура олиш билан бўлади.

Дейишди: Сукутингни ҳис этмаган инсон, асло сенинг сўзингни тушуна олмайди.

Манба: Arabic. uz